

009-дарс. Лӓм, вӓв ва фӓ ҳарфлари

20:12 / 18.04.2017 6332

1. Лӓм, вӓв ва фӓ ҳарфлари
2. Лӓм ундоши
3. Вӓв ундоши
4. Фӓ ундоши

Таянч сўзлар ва атамалар


Лӓм-алиф	Тил олд ёни	Танглай олди
Икки лаб	Пастки лабнинг ички тарафи	Юқори олд тишлар қирғоғи

Лӓм, вӓв ва фӓ ҳарфлари
Лӓм ҳарфи шаклан алифга ўхшайди. Ундан сўз таркибида ўзидан кейинги ҳарфга уланиши, ёлғиз ҳолида дум шаклида пастга тушган қисми билан фарқ қилади. Агар унинг сўнгидан бевосита алиф келса, иккала ҳарф қўшилиб алоҳида шакл ҳосил қилади ва бу шакл «лӓм-алиф» деб аталади: $l + l = ll$ -_ll

Вӓв ҳарфи ўзига хос шаклга эга бўлиб, ҳеч қачон ўзидан кейинги ҳарфга мослашиб қўшилмайди.

Фӓ ҳарфи устидаги нуқтаси билан ажралиб туради. У ҳар икки тарафига бирика оладиган ҳарфлардан ҳисобланади.

Мазкур ҳарфларнинг ҳар бири алоҳидадан товуш англатади. Шунга кўра биз ушбу дарсда учта нутқ товушини ўрганамиз. Улар тил олди қирғоғи ундоши l ҳамда лаблар иштирокида ҳосил бўлувчи v ва f товушларидир. Ушбу ва шу каби ундошлар аввалда ишора қилинганидек ўзбек тилидаги муқобилларидан айрим жиҳатларда бироз фарқ қилади ва нисбатан кучлироқ айтилади. Шу боис, Сиз ҳам уларни айнан ўз махражидан, бироз куч билан, қаттиқроқ талаффуз этишга ҳаракат қилинг.



12. 12. ف пастки лабнинг ички томони ва юқори олд тишлар қирғоғидан чиқади.

Танбеҳ: У ҳавонинг махраждан оқиб ўтиши билан ҳосил бўлади. Бу товуш ўзбек тилидаги «ф» товушидек «в»лашиб ёки «п»лашиб, талаффузини ўзгартирмайди. Уни пастки лабнинг юзасидан ёхуд ортиқча ҳаракат ва такаллуф билан талаффуз этиш ярамайди. Чунки унда аъзолар эркин ҳаракатда бўлиши керак. Шунингдек, уни бўш ёки ноаниқ айтиш ва унинг талаффузида ҳавони бутунлай тўсиб қўйиш ҳам хатодир. 14-машқ.

فُ- فِ- فِ-

وَفْ ° نَفْ ° رَفْ ° رَفْ ° رَفْ ° فَاْ ° فَاْ ° فَاْ °

زُوفْ ° لَفِنْ ° رَفِنْ ° رَفَرْ ° زَأْفْ ° وَأْفْ ° مَلْفْ ° اَلْفْ °

فُؤَلْأْ ° نُونُفْ ° فِيفَلْ ° زَافْ ° فِلْأْ ° فِرْأْ ° فِنْأْ °

فُؤَلْأَمْ ° نَفَفَلْ ° فِلْأَبْ ° فِوَأْفْ ° لَزْفَأْ ° فَرْفَرْ °

Мулоҳазалар:

- Кўплаб манбалардаги араб алифбосида лām-алиф тушунчаси мавжуд. Унга кўра алиф ҳарфи алифбода икки марта такрор келтирилади: биринчи

ҳарф сифатида ва охирги ҳарфдан олдин лām ҳарфи билан қўшилиб лām-алиф суратида.

Маълумки, ҳамза ҳарфи араб имлосида кейинроқ қабул қилинган бўлиб, кўпинча у белги сифатида қўлланилган. Шу боис, у алифбодан ўрин олмаган. Бироқ, у англатган ҳамза ундоши мустақил товуш сифатида алифбода ифодаланиши ҳам керак эди. Ана шу эътибордан бу вазифа учун алиф ҳарфи танланган. Шу боис алиф ҳарфи алифбода икки марта – алифбонинг биринчи ҳарфи сифатида ва охирги ҳарфдан олдин «лām алиф» таркибида келтирилган. Бунда аввалгисида ҳамзани билдириб, кейингисида эса, ҳақиқий алиф маъносида чўзиқ унлини ифодалаб келган. Бошқача қилиб айтганда ҳамза алифбода алиф шаклида акс эттирилган. Бинобарин, уни таништиришда алиф деб аталган ва бунда ҳамза назарда тутилган. Баъзан ўша биринчи алиф устига ҳамза қўйилганда ҳам алиф ҳамзага таянч деб эътибор қилинган. Мана шундан «лām-алиф» тушунчаси юзага келган. Аммо манбаларда қулайлик учун ҳамза ҳарфини алифбога киритиш билан алифнинг такрорланишига эҳтиёж қолдирмаслик натижасида лām-алифни алифбодан тушириб қолдириш ҳолатлари ҳам кўп учрайди.

17- топшириқ.

- ﺝ нинг махраж ва талаффузини айтиб беринг.
 - ﻑ нинг махраж ва талаффузини айтиб беринг.
- Қуйидаги саволларга жавоб беринг:
- ﺝ нинг ўзбек тилидаги «л»дан нима фарқи бор?
 - лām ҳарфига оид қандай имло қоидаси бор?
 - ﻭ товуши қаердан қандай ҳосил бўлади?
 - араб тилида икки лабдан ҳосил бўлувчи ундош учта бўлиб, уларнинг иккитаси билан олдинги дарсда, учинчиси ﻭ билан эса ушбу дарсда танишдингиз. Айтингчи, вāвнинг қолган икки шеригидан талаффуздаги асосий фарқи нимада?
 - ﻭ билан ﻑ нинг махражда фарқи борми?
 - ушбу дарсда ўтган товушлар қайси ундошлар туркумига мансуб?